

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун**  
**№ 2 - сонли шартнома**

Бухоро шаҳри

2022 йил 04 апрель

Бухоро вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб, Низом асосида иш юритувчи инспекция **бошлиғи Р.И.Нарзиев** бир томондан ва “Узжамоалойиҳа” МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб, Устав асосида иш юритувчи **раҳбари Б.Б.Нигматиллаев** иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш бўйича шартнома туздилар:

### **1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.**

1.1 Бухоро вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси конкурс комиссиясининг 2022 йил 01 апрелдаги 57930-лот баённомасига асосан “**Қ.Муртазоев кўчаси 23-А уй манзилидаги Бухоро вилояти ҚСХН инспекциясига қаршли автогараж биносини инспекция ишчи ходимлари учун иш хоналарига мослаштириш, таъмирлаш ва кўшимча қурилиши ишлари** лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топширик бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

### **2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

2.1. **Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. **Бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.6. Бажарувчи ишларни, техник топшириқни ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг натижаларини келишиш;

2.7. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

### **3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Қуйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунда ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

### **4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.**



4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси кўшимча қиймат солиғи билан **11 900 000 (Ўн бир миллион тўққиз юз минг )** сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур объект бўйича тўлов «Буюртмачи»нинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4.3. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % гача бўлган миқдорда бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Қуйидаги ҳолларда:  
- ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

5.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.2. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилиши мумкин.

5.3. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдориди Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.5. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

5.7. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Бухоро туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## **7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ.**

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.



## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

### «БУЮРТМАЧИ»

Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий  
назорат инспекцияси  
Манзил: Бухоро шаҳри, Қ.Муртазов кўчаси, 23-А уй  
тел. (65) 505-05-02  
х/р : 20210000800286913001  
Банк номи: Саноат Қурилиш банк  
МФО: 00440, СТИР: 201550250  
ОКЭД: 71100



Инспекция бошлиғи

Р.Нарзиев

Бош юрисконсулт

С.Шодиев

### «ИШ БАЖАРУВЧИ»

«Узжамоалойиха» МЧЖ  
Манзил: Бухоро шаҳри, Афросиёб кўчаси,  
303-уй. Тел: +99890 611-07-58  
х/р 20208000700491463001  
Банк номи: АТИБ ИПОТЕКА БАНК  
Бухоро шаҳри  
МФО: 00088, СТИР: 201514667  
ОКОНХ: 66000



Директор

Б.Негматиллаев

Юрист